Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# O'ZBEKISTON OVOZI

• 2012-yil, 14-iyun. Payshanba • 73 (31.505) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

Фракция фаолияти









Муродбек ЗИЁ олган суратлар.

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Унда **Давлат бюджетининг 2011 йил ва 2012 йил биринчи чоракдаги ижроси** кўриб чиқилди. Тадбирда ХДП фракцияси аъзолари, тегишли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, Концепциянинг устувор йўналишларини изчил амалга ошириш натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиши 8,3 фоизни, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши 6,3 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши 6,6 фоизни, аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш ҳажмининг ўсиши 16,1 фоизни ташкил этган. Инфляция даражаси белгиланган прогноз кўрсаткичдан ошмаган.

**Алишер ТИЛЛАБОЕВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

— 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш, ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўрнининг 68 фоизидан ортиғи қишлоқ жойларида ташкил этилган. 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоизидан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шаклларини кенгайтириш ҳисобидан яратилган бўлса, 2012 йилнинг I-чорагида эса республика бўйича 234,4 мингта янги иш ўрни, шу жумладан, уларнинг 153 мингтадан ортиғи қишлоқларда яратилган. Бу бевосита ЎзХДП электорати манфаатига хизмат қилади.

*(Давоми 2-бетда.)*

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

**Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Швейцария ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, банк-молия, иқтисодиёт, савдо-саноат, сармоя, авиасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика, сайёҳлик, тўқимачилик, солиқ ва божхона каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Бахтиёр Абдусаматов Ўзбекистон билан Швейцария ўртасидаги ҳамкорлик барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва сармоявий соҳаларда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, ҳукуматлараро комиссиянинг мунтазам ўтказиб келинаётган мажлислари ўзаро иқтисодий муносабатларни янада тараққий эттиришга, мамлакатларимиз ишбилармонлари ҳамкорлигини кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва техникавий-молиявий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик, йўловчи ва юкларни автомобилда халқаро ташиш тўғрисидаги қатор ҳукуматлараро битимларга асосланади. Мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўтган йиллар давомида миллий ва минтақавий аҳамиятга молик ҳамкорликдаги кўплаб лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди ва яна қатор лойиҳаларнинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш каби соҳаларни ўз ичига олади.

Ўзбекистонда Швейцария сармояси иштирокида тузилган 91 қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг 29 фирма ва компаниясининг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар машинасозлик, кимё ва озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, чиннисозлик, матбаачилик, тўқимачилик ва савдо каби соҳаларда иш олиб боради.

Музокарада Швейцария делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

— Ўзбекистон Швейцариянинг муҳим ҳамкорларидандир, — деди Швейцария Конфедерацияси Федерал иқтисодиёт вазирлигининг иқтисодиёт бўйича Давлат котибиятининг икки томонлама иқтисодий муносабатлар департаменти раҳбари, комиссия ҳамраиси Эрик Мартен. — Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётганини биз юксак қадрлаймиз. Дунёнинг кўплаб мамлакатлари глобал молиявий-иқтисодий инқироз талафотидан азият чекаётган бир даврда Ўзбекистонда пухта ва мустаҳкам шаклланган иқтисодий механизм боис мамлакатингиз ушбу бўҳрон таъсиридан деярли зиён кўрмай чиқа олди. Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун мамлакатларимиз ўртасида зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Ўзбекистонда барпо этилаётган иқтисодий зоналарда иш юритишга Швейцария сармоядорлари ҳам катта қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва барқарор ҳамкорлик муносабатларини жадал тараққий эттиришдан манфаатдормиз.

Музокарада ўзаро ҳамкорликда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сайёҳлик, банк-молия, савдо-сармоя, озиқ-овқат ва кимё саноати, фармацевтика ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик каби йўналишлардаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ташриф доирасида Швейцария делегацияси мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида







## МАТБУОТ АНЖУМАНИ

*қўмита фаолияти таҳлилига бағишланди*

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда Ахборот хизмати ҳамкорлигида **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишлар»** мавзусига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда Концепцияда белгиланган устувор вазифалар асосида Қўмита амалга ошираётган ишлар, қабул қилинаётган қонун ва қонун лойиҳалари мазмун-моҳияти ҳақида фикр юритилди.

**Анвар БОЙҚУЛОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

*— Ўтган даврда Қўмита томонидан Концепцияда белгиланган устувор йўналишларга бевосита дахлдор бўлган 3 та, жумладан, 2 та янги қонун лойиҳаси ва 1 та амалдаги қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ қонун лойиҳалари ишлаб чиқилиб, Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди.*

*Хусусан, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонун қўмита аъзолари масъуллигида тайёрланган бўлиб, иқтисодиётнинг турли соҳаларида оилавий тадбиркорликни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим шакли сифатида ривожлантириш учун зарур қонунчилик базасини яратиш, оилавий бизнес учун ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш ва янги иш жойларини ташкил этишга хизмат қилади.*

*«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси рухсатномалар бериш тизимининг бозор иқтисодиёти тамойилларига мослаштириш имкониятини берадиган меъёрий-ҳуқуқий тизимини яратиш, тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсатнома бериш тартиб-қоидаларини амалга оширишдаги ортиқча маъмурий тўсиқларни бартараф қилишга қаратилган.*

*Қўмита ўз йўналишлари доирасида қабул қилинаётган қонунларнинг жойлардаги ижросини таъминлаш, аниқ ҳуқуқий нормаларни такомиллаштиришга қаратилган назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширмоқда. Бу эса, ўз навбатида, қонунлардаги баъзи нуқсонларни вақтида аниқлаш, қонунлар устидан олиб борилаётган мониторинг самарасини оширишга хизмат қилади.*

*(Давоми 2-бетда.)*

Қонун ва шарҳ

## ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2012 йил 6 мартда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2012 йил 23 мартда маъқулланди ва 2012 йилнинг 26 апрелидан кучга кирди. Мустақиллик йилларидаги тараққиётимиз мисолида шуни ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, бу соҳани ривожлантирмасдан, унга тегишли кўмак ва рағбат бермасдан, зарур имконият, имтиёз ва преференциялар яратмасдан туриб, биз иқтисодиётимизнинг келажагини таъминлай олмаймиз.

Мамлакатимизнинг кўп укладли иқтисодиёти таркибида давлат мулки, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглигини эътироф этган ҳолда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилди ва унинг ишончли конституциявий кафолатлари таъминланди. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди.

Ички бозоримизни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришда, бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалардан бири бўлмиш аҳолимизни, аввалambор, ёшларимизни иш билан таъминлаш ва шу аснода уларнинг муносиб даромад топиши, турмуш фаровонлигининг ошиб боришига эришишда оилавий тадбиркорликни тез ва жадал суръатлар билан ривожлантириш энг асосий омиллардан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилиниши ва оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан бири бўлиб, белгиланганлиги бу борада муҳим аҳамият касб этди.

⇨ 3

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида

## ДЕПУТАТ ЎЗ БУРЧИГА СОДИҚ БЎЛСА

*ишончни оқлайди, партияга ҳам обрў келтиради*

2-бет

Партиялараро баҳс

## ШИОРЛАР БИЛАН ЭМАС

***балки амалий иш билан электорат ишончини қозониш мумкин. Бироқ либераллар бу борада бошқача фикрда, шекилли?***

2-бет

# ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА



Йиғилишда ижтимоий соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини муттасил ошириб бориш масалалари доимий эътиборда экани, 2011 йилда ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари Давлат бюджетининг 58,0 фоизидан зиёдни ташкил қилгани ва уларнинг ЯИМга нисбатан улуши 2010 йилдаги даражада (12,5 фоиз) сақлаб қолингани, жорий йилнинг I-чорагида бу кўрсаткич 58,6 фоиз бўлганига алоҳида эътибор қаратилди.

**Комил ОЧИЛОВ,**
***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:***

*— Жорий йилнинг I чорагида 35 минг нафар фуқарога пенсия ва ижтимоий нафақалар тайинлангани, 2 млн. 705 минг нафардан ортиқ фуқарога ойлик талабномаларнинг ўз вақтида молиялаштирилиши ҳамда тўланиши таъминланиши мамлакатимизда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.*

*Фракциямиз ҳамда партиямизнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари доимий равишда ижтимоий йўналтирилган Давлат дастурлари вазифаларининг ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши устидан мониторинг ўрнатиб, тегишли давлат идораларига дастурни янада самарали амалга ошириш- да аниқ таклифлар беришмоқда.*

Натижалардан кўриниб турибдики, мазкур ўсиш суръатлари бевосита ЎзХДП электорати манфаатига ҳам дахлдор.

Якунда ЎзХДП фракцияси аъзолари бу масалалар юзасидан ўз позициясини белгилаб тегишли таклифларни билдиришди.

**Икром МУСАЕВ,**
**ЎзХДП МК Матбуот хизмати ходими.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

# МАТБУОТ АНЖУМАНИ

## *қўмита фаолияти таҳлилига бағишланди*

Йиғилишда 2011 ва 2012 йилнинг ўтган даврида Қўмита томонидан амалдаги қонун ҳужжатларини жойлардаги ижросини ўрганишга қаратилган 11 та назорат-таҳлил амалиёти ва муҳокамалар ўтказилганлиги таъкидланди. Хусусан, жорий йилда **«Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида»**ги Қонуннинг «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ва Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳамда бошқа мутасадди органлар томонидан ижро этилиши юзасидан қўмита эшитуви, **«Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»**ги Қонуннинг ижросини Наманган, Жиззах ва Хоразм вилоятларида ўрганиш якунларига бағишланган йиғилишлар ўтказилди.

Шунингдек, анжуманда қонунларда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмларни жойларда тўлиқ амалга ошириш чораларини кўриш, соҳага оид қонунлар ижроси юзасидан тегишли муассасалар ҳисоботини эшитиб бориш, назорат-таҳлил ишларида эса соҳа мутахассислари, ОАВ ҳамда кенг жамоатчилик иштирокини таъминлаш, бу борадаги тизимли ишларни янада такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар юритилди.

Депутатлар журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

**Гулруҳ ОДАШБОЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда.)

**ЎзХДП маҳаллий кенгашларида**

**Мамлакатда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларда фаол иштирок этиш, ислоҳотлар самарасини таъминлашга ҳисса қўшиш сиёсий партиялар зиммасидаги муҳим вазифалардан бири. Бунинг учун партиянинг ҳар бир ташкилотида иш тизимли олиб борилиши, халқ билан ҳамнафас бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Агар қуйи бўғин иши тўғри ташкил этилса, етакчи салоҳиятли бўлса, кўзланган мақсадга эришиш мумкин.**

# ҚУЙИ БЎҒИН

## *партиянинг таянчи ва суянчи*

ЎзХДП Деҳқонобод туман кенгашида партиямизнинг 2375 нафар аъзоси бор. Улар 40 та бошланғич ташкилотга бирлашган.

— Партия дастурий-мақсадларига эришиши, жамият ривожида таъсир кучига эга бўлиши учун бошланғич ташкилот қаттиқ ишлаши керак, — дейди **туман партия кенгаши раиси Ашур Норбоев**. — Шундан келиб чиқиб, қуйи бўғин етакчилари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, уларни қўллаб-қувватлашга эътибор қаратаяпмиз. Ҳар ойнинг охирида қуйи бўғин ишини таҳлил қилиб, камчиликларни бартараф этиш, фойдали ишларни кўпайтириш, яхши ташаббусларни ёйишни келишиб оламиз. Бундан ташқари, партия фаоллари ва депутатлар билан бирга уларга яқиндан ёрдам бериш, амалий ишларни кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади. Айниқса, ўтган йили депутатлик гуруҳи йиғилишларида, доимий комиссиялар муҳокамасига электорат манфаати билан боғлиқ масалаларни олиб чиқишда бошланғич ташкилотлар ёрдами яхши самара берди.

Масалан, партиямиз депутатлик гуруҳи якка тартибда уй-жой қурилиши аҳволи, бу борадаги қарорлар ижроси ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш масаласини ўрганиб, туман Кенгаши сессияси муҳокамасига олиб чиқишида ҳудудий ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик қилинди. Айни кунда жойларда касаначиликни ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, кексалар ҳолидан хабар олиш, ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида қилинаётган ишлар биргаликда ўрганилмоқда. Муҳими, бунда қуйи бўғинлар бизга таянч бўлаяпти.

Бошланғич ташкилот ишини кучайтириш учун аъзолар етакчини қўллаб-қувватлаши, улар билан ёнма-ён туриши керак. Негаки, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва шу асосда депутат таклиф киритиши учун бу муҳим. Шу боис туман партия кенгаши фаоллари партия ташкилотлари ва депутатларнинг БПТ етакчилари билан иш кўникмасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратаяпти. Шу мақсадда, улар билан мунтазам равишда ўқув-семинарлар, интерфаол машғулотлар ўтказилмоқда. Уларда етакчининг вазифаси, аъзолар билан ишлаш усули ва бошланғич ташкилотнинг партия тизимидаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз боради. Бу эса, ўз навбатида, етакчилар маҳоратини ошириш, ўзаро тажриба алмашиш жараёнида қўл келаяпти. Натижада, етакчиларда сиёсий малака шаклланаяпти.

Туман партия кенгаши раисининг айтишича, туман тиббиёт бирлашмасида ташкил этилган бошланғич ташкилот кўп жиҳатлари билан бошқаларга ўрнак бўлаяпти. Бу ерда партиянинг 100 нафардан ортиқ аъзоси бор. Қуйи бўғин етакчиси Р.Ниязов партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимини оширишга хизмат қилувчи тадбирларни юқори савияда ўтказади. Сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимидаги ҳар бир ўқувни таъсирчан ташкил этиш мақсадида унда сиёсий технологиялардан фойдаланади. Шунингдек, электорат вакилларини ўйлантираётган муаммоларни депутатлар орқали ечишга ҳаракат қилади. Туман партия кенгаши мазкур қуйи бўғиннинг иш тажрибасини оммалаштириш масаласини кўриб чиқаяпти. Дарҳақиқат, фаол, ташаббускор бошланғич ташкилот қанча кўпайса, партиянинг имконияти шунча кенгаяди, нуфузи ошади.

**Лазиза ШОМИЛОВА**

# ДЕПУТАТ ЎЗ БУРЧИГА СОДИҚ БЎЛСА

## *ишончни оқлайди, партияга ҳам обрў келтиради*

Жойларда ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини оширишга халақит бераётган жиддий камчилик ва нуқсонларни аниқлаш, ошкора ва амалий руҳда муҳокама қилиш, уларни бартараф этиш бўйича жиддий чоралар кўриш сиёсий партия ишига дахлдор масала. Шу боис у аҳоли ўртасида ўз ишини қанча жонлантирса ва уни амалий тусда олиб борса, таъсир кучи шунча ортади. Бунда, албатта, депутатлик гуруҳлари фаоллиги муҳим ўрин тутади. Уларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари, ваколатларидан ўринли фойдаланиш электорат манфаатини ҳимоя қилишда, ҳудудлар ривожида партия иштироки кенгайишига замин яратади.

Наманган вилоят Кенгашига партиямиздан 26 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 209 нафар депутат сайланган. Ўтган йили ЎзХДП депутатлик гуруҳлари ташаббуси билан 16 та масала сессиялар кун тартибига киритилди.

— Депутат доим халқ орасида бўлиши керак. У жойлардаги муаммоларни яхши билса, уни ҳал этишда ўз ваколатидан ўринли фойдаланса, ҳам сайловчиларга яхши, ҳам партияга обрў, — дейди **вилоят партия кенгаши раиси, вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳи раҳбари Абдурашид Убайдуллаев.** — Шу боис электорат манфаатини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш, бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этиш мақсадида партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари ҳамкорлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаяпмиз. Натижада турли масалалар тизимли ўрганилиб, таҳлил этилмоқда. Аниқланган хато ва камчиликларни ечишга доир таклифлар сессия муҳокамасига олиб чиқилмоқда. Ўтган йили вилоят Кенгаши сессиясига «2011 йилда янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ижросини таъминлаш ва келгусида амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида», «Аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг вилоятда ва Наманган туманида ижроси» ҳамда «Президентимизнинг «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2011-2012 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг вилоятда бажарилиши тўғрисида»ги масалалар партиямиз депутатлик гуруҳлари томонидан ўрганилиб, сессия кун тартибига киритилди.

Масалан, депутатлар куз-қиш мавсумига тайёргарлик бўйича назорат-таҳлил ишларини 350 дан ортиқ таълим муассасаси ва 100 га яқин тиббиёт масканида олиб борди. Шунингдек, кўп қаватли уйларда иситиш тизими ҳолати ўрганиб чиқилди. Мониторинг натижаси шуни кўрсатдики, айрим объектларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик талаб даражасида эмас. Учқўрғон, Наманган, Поп, Косонсой, Чортоқ ва Уйчи туманларида шундай ҳолат кузатилди. Депутатлик гуруҳи йиғилишида камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрланди ва у сессия муҳокамасига олиб чиқилди.

Ўтган йили Чуст туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан 2 та масала сессияда кўриб чиқилди. Хусусан, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бажарилишини ўрганиш чоғида 18 та ариза ва шикоят кўриб чиқилиб, 4293 минг сўм истеъмолчиларга қайта ҳисоб-китоб қилинди. Камчиликларни тузатиш бўйича қарор қабул қилинди. Унинг ижросига мувофиқ, туманда яна 60 та терминал ўрнатилди, савдо, транспорт хизмати кўрсатиш борасидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича иш олиб борилаяпти.

Шунингдек, депутатлар партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ижросига ҳам алоҳида эътибор бераяпти. 2011 йил вилоят партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасига ҳар бир ҳудуд миқёсида бажарилиши лозим бўлган ишлар аниқ белгиланиб, 9 та масала бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган эди. Шунга кўра, 7 та масала сессияда муҳокама этилди, 2 таси доимий комиссияга киритилди.

Аҳолини иш билан таъминлаш ижтимоий ҳимоя тизимида муҳим ўрин тутади. Шу боис депутатлик гуруҳлари «Янги иш жойлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг ижросини қатъий назоратга олишган. Режадаги иш ўринлари амалда очилиши учун масъуллар билан бирга, ҳар бир депутат жон куйдирмоқда. Яқинда Наманган ва Чортоқ туманида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар ўрганилиб, сессияга киритилди.

Бундан ташқари, ЎзХДП депутатлик гуруҳлари коллеж битирувчилари тўлиқ иш билан банд бўлиши учун муайян ишлар қилмоқда. Ҳозир мазкур йўналишдаги ҳудудий дастурлар ижросини назорат-таҳлил қилиш бўйича улар зиммасига аниқ вазифалар юклатилган. Коллежлар ва иш берувчи корхоналар ҳамкорлиги, улар ўртасида тузилаётган уч томонлама шартнома ва уларнинг ижроси депутатлик гуруҳи йиғилишларида муҳокама этилаяпти. Айни кунда Наманган шаҳри, Мингбулоқ, Наманган, Янгиқўрғон ва Косонсой туманларида депутатлар бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлилий ўрганиб келяпти.

Жорий йилда ҳам партия депутатлик гуруҳлари томонидан 14 та туман ва шаҳарда 10 та масала сессия ҳамда доимий комиссия йиғилишларида муҳокама этилиши кўзда тутилган. Депутатлар аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларни ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тўлдириш, касаначиликни ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш бўйича дастурлар ижросини ҳам назорат қилаяпти.

Демак, маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари дадил ва ташкилотчи, ташаббускор бўлса, сайловчилар ишончи оқланади, партия олдида турган вазифалар бажарилади. Бироқ ҳамма партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари шундай ишлаяпти, деб бўлмайди. Айтайлик, айрим туманларда партиямиз вакиллари энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган. Лекин, шунга қарамай, улар сессия кун тартибига бор-йўғи 1 та масала киритиш билан чекланиб қолган. Ҳолбуки, жойларда электорат вакилларини ташвишга солаётган муаммолар етарли. Уларни бартараф этиш учун ижро ҳокимияти билан елкама-елка туриб ишлаш ҳар биримизнинг вазифамиз. Бу депутатга ҳам, партияга ҳам обрў олиб келади.

**Лазиза ШЕРОВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Партиялараро баҳс**

# ШИОРЛАР БИЛАН ЭМАС

## *балки амалий иш билан электорат ишончини қозониш мумкин. Бироқ либераллар бу борада бошқача фикрда, шекилли?*

**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида сиёсий партиялар иштирокини кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, 2008 йил қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун давлат бошқарувида сиёсий партиялар ваколат ва ҳуқуқларини кенгайтириш билан бирга, улар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди.**

Шу боис партиялар жамиятда ўз таъсир кучига эга бўлиши, сайловчилари, электорати манфаатини дадил ҳимоя қилиши керак. Бу —демократия тамойилларини қарор топтиришнинг асосий шарти ва энг муҳим омилидир.

Афсуски, барча сиёсий партия ва депутатлик гуруҳлари ҳам ўзларига берилган ваколатдан етарли даражада фойдаланаяпти, хайрихоҳлари ишончини оқлаяпти, одамларни ўз ортидан эргаштира олаяпти, дейиш қийин. Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича Сайловолди дастурларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада юзага келаётган муаммоларни атрофлича ўрганиш, уларга маҳаллий ҳокимлик ва мутасадди идоралар эътиборини қаратиш, амалдаги қонунларнинг бажарилиши юзасидан депутатлик ҳамда жамоатчилик назорати ўрнатишда сусткашлик, ўзибўларчилик ҳолатлари ҳали-ҳануз кўзга ташланмоқда.

Оҳангарон туманидаги ЎзЛиДеП фаолияти билан танишганда, ўзини тадбиркорлар ва ишбилармонлар манфаати учун масъул деб билган бу партиянинг депутатлик гуруҳи ҳудуддаги ислоҳотлар тақдирига бепарво ва лоқайд қараётгани маълум бўлди.

Фикримизни аниқ мисоллар орқали изоҳласак. Ҳозирга пайтда туманда 427 та фермер хўжалиги фаолият юритмоқда. Уларда мавсумий ишлар учун ҳар йили тахминан 3000 нафарга яқин ёлланма ишчи жалб этилади. Бир қарашда бунинг ҳеч бир ёмон томони йўқдек кўринади. Аммо улар орасида фермерлар билан қонун асосида меҳнат шартномаси тузмаётганлар оз эмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, муаммо долзарб экани ойдинлашади.

Бу аввало, туман бюджетига даромад солиғи ва нафақа жамғармаси тўловлари тушмаяпти, амалдаги меҳнат ва солиқ соҳасидаги қонунларимиз бузилаяпти, деганидир. Шунингдек, ёлланма ишчиларнинг ўзлари меҳнат жараёнида уларга етказилган моддий ёки маънавий зарарнинг қопланишида вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий муносабатлардан азият чекмоқда. Қолаверса, бу ҳолат уларнинг келгусидаги иш стажи ва нафақасига ҳам салбий таъсир қилмоқда.

Таҳлилчилар жойларда юз бераётган ана шундай қонунбузарликларнинг олдини олиш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш аввало, ЎзЛиДеП зиммасидаги вазифа эканини таъкидлашмоқда. Чунки тадбиркорлар ва фермерлар орасида тушунтириш ишлари олиб бориш, уларнинг ижтимоий-ҳуқуқий саводхонлигини оширишга кўпроқ либераллар ўзларини масъул деб билади.

ЎзЛиДеП Сайловолди дастурида ҳам бу борада «**Партия ўз олдига қўйилган мақсадларга қуруқ шиорлар билан эмас, балки амалий ишлар, биринчи навбатда, мулкдорлар синфи, тадбиркорлар, кичик ва хусусий бизнес вакиллари ҳамда фермерлар манфаатларини ифодалайдиган аниқ сиёсат юритиш орқали эришишга интилади»,** деб белгилаб қўйилган.

Хўш, ўша «аниқ» сиёсат қани? Туманда меҳнат қилаётган минглаб тадбиркор ва фермер муваффақиятига соя солаётган бундай ишларни олдини олиш, бу ўткир ижтимоий масала ечимини топиш бўйича либераллар сессия ва доимий комиссия йиғилишларида ташаббус билан чиқиш ўрнига томошабин бўлиб турибди.

Оҳангарон туман Кенгашида 22 та депутатлик ўрнига эга бўлган либераллар бу муаммога ҳамон эътиборсизлик билан қараётгани ачинарли, албатта. Айниқса, шу каби масалаларни ўрганиш ва уларга ечим топишда бевосита масъул бўлган туман Кенгашининг «**Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш** доимий комиссияси (комиссия раиси Шавкат Комилов, ЎзЛиДеП аъзоси) бундай ноқонуний ишларни кўриб, кўрмасликка олаётгани кишини таажжубга солади.

Лекин негадир партия вакиллари маҳаллий Кенгашлардаги ўз депутатлик гуруҳлари фаолиятини танқидий баҳолаш ўрнига, «ЎзЛиДеП фаолиятининг янада фаоллашишидан нафақат партия вакиллари ва электорати, балки ХДПчилар ҳам манфаатдор», дея такрорлашдан нарига ўтмаяпти. Ундан кўра, партия вакиллари холис танқидни тўғри қабул қилиб, шундан хулоса чиқарса, ўзларига ва электоратига фойда-ку.

Оҳангарон туман кенгашида ЎзХДПнинг 25 нафар депутати бор. Улар электорат манфаатига дахлдор қатор масалаларни доимий комиссия ва сессия муҳокамасига мунтазам олиб чиқишаяпти. Масалан, партиямиз депутатлик гуруҳи томонидан 2011 йил давомида ва жорий йилнинг бугунги кунига қадар «Оҳангарон туманида Инқирозга қарши кураш чораларини бажарилиши ҳақида», «Ҳўл мева, сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш орқали аҳоли бандлигини ошириш тўғрисида», «Туманда коммунал тўловларнинг аҳволи», «Туманда 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаш масаласи» каби бир қатор ижтимоий-иқтисодий масалалар туман Кенгаши сессиялари кун тартибига киритилган ва уларни бажарилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган.

— Депутатлик гуруҳининг масъулиятини янада ошириш, фаолиятини жонлантириш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланган, — дейди ЎзХДП Оҳангарон туман кенгаши раиси Қўрдош Саидов. — Очиғини тан олиш керак, барча депутатлар ҳам сидқидилдан ишлаб, халқимиз ишончини тўлиқ оқлаяпти, дея олмайман. Жумладан, икки нафар депутатимиз — Абдусамад Акромов, Абдуғаффор Маннопов билан туман партия кенгаши ўртасидаги алоқалар мутлақо узилиб қолган. Улар сўнгги бир ярим йил ичида на бирорта сессияга, на доимий комиссия ишида қатнашди. Мазкур ҳолатни ўрганиб чиқиб, уларни депутатликдан чақириб олдик. Уларнинг ўрнига яқин орада бўлиб ўтадиган сайловларда ташаббускор ва фаол партия аъзолари номзодларини қўймоқчимиз. Ҳозирги давр шуни талаб қилаяпти, номига депутат бўлиб юриш вақти ўтди.

Бироқ туманда фаолият юритаётган бошқа сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари ҳозир бошқа давр келганлиги, юксак талабчанлик билан иш олиб бориш кераклигини тўла англаб етмаётганга ўхшайди.

Ҳеч кимга сир эмас, агар депутатлик гуруҳлари яхши ишласа, ҳудудлар ривожи, аҳоли турмуш даражаси янада ошади. Бунинг учун, албатта, халқ депутатлари туман Кенгаши раҳбари талабчан бўлиши, депутатлик гуруҳлари фаолиятини таҳлил этиб, уларга холис муносабат билдириб бориши зарур. Аммо кўриниб турибдики, туман Кенгашидаги либерал депутатларнинг ўз вазифасига совуққонлик билан қараётгани Халқ депутатлари туман Кенгаши раҳбари, туман ҳокими Бахтиёр Солибоевни («Адолат» СДП аъзоси) ташвишга солмаётганга ўхшайди. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, кишилар фаровонлигини оширишда депутатлик гуруҳлари катта ҳисса қўшиши мумкин. Фақат улар имконияти ва кучидан самарали фойдаланмоқ керак.

**Умид УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзХДП МК Матбуот хизмати ходими.**

Қонун ва шарҳ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ЯРАТИЛДИ

«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида ўтказилган сўров давомида бугун мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланаётгани аниқланди, яъни ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирмоқда, ҳар олти оиладан бири савдо соҳасида меҳнат қилмоқда, ҳар саккиз оиладан бири ҳунармандчилик ҳамда кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётир. Сўров маълумотларига кўра, оилаларнинг 6,5 фоизи транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида меҳнат қилмоқда, оилавий бизнес тиббиёт, ҳуқуқий ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам ривожланмоқда.

Қонунда оилавий тадбиркорлик ва оилавий корхона тушунчалари ажратилган бўлиб, унга асосан оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти эканлиги, оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиши ҳамда оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги белгиланган. Юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхона бўлиб, унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, ушбу корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Мазкур Қонунга кўра, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари, хусусан болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари оила корхонасининг иштирокчилари бўлиши мумкин. Фақат бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас, шунингдек, давлат органларининг мансабдор шахслари ҳамда қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Қонунга асосан оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкинлиги, оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртача йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмаслиги, шу билан бирга, оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги белгиланган. Демак, оилавий корхона иштирокчиларининг шахсий меҳнатини амалга ошириш шартлари улар ўртасидаги келишувга кўра белгиланиши ҳамда оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимлари учун меҳнат ҳақи, мукофотлар ҳамда компенсацияларнинг шаклларини, тизимини ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгиланиши мумкин.

Қонунда оилавий корхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам белгиланган бўлиб, унга асосан оилавий корхона мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаши, мустақил равишда ўз молиявий маблағларини шакллантириш ва қарз маблағларини жалб этиш, шу жумладан, дастлабки (бошланғич) капитални шакллантириш учун кредитлар олиш, лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш, шартномалар тузиш, товарларни харид қилиш ва реализация қилиш учун шартномалар тузиш, тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиши, ўз фирма номи ёзилган муҳрлардан, бланкалардан ва штамплардан фойдаланиш ҳамда товар белгисига (хизмат кўрсатиш белгисига) эга бўлиши ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириши мумкин.



Суратда: (чапдан) «So'zana fashion» хусусий корхонаси раҳбари Ирода ҳамда Шаҳзода Сулаймонова.

Ҳотам МАМАДАЛИЕВ (ЎзА) олган сурат.

Шу билан бирга, оилавий корхона тузилган шартномалар бўйича зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳамда хавфсизлик техникаси, экология, санитария ва гигиена соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига риоя этиши, реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларига эга бўлиши мумкин.

Таъкидлаш лозимки, оилавий корхона фаолиятнинг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлганда амалга ошириши мумкин. Оилавий корхонанинг акциз солиғи тўланадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар кавлаб олишни, шунингдек, юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолиятни амалга ошириши мумкин эмас.

Оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчидир, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Қонунда оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари, хусусан электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойгача етказилишини ҳамда уланишини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

Давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилишини ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши доирасида фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойларда товарлар ишлаб чиқаришни, ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун оилавий корхонага ижарага берилишини, ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун оилавий корхонага ер ажратилишини, оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини, оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.

Хорижий мамлакатларда оилавий бизнес жуда кенг тарқалган. Бунга немис автомобиль корхонаси асосчиси Адам Опел оиласи мисол бўла олади. Ҳозирги кунда Опел савдо маркаси жуда машҳур бўлиб, бу маркадаги автомобиллар бутун дунё бўйича сотилади.

Бундай машҳур савдо маркалари ичида оилавий бизнесга тегишлилари кўп, хусусан Орал-Б, Семенс, Адидас, Самсунг электроникс ва бошқалар.

Хулоса ўрнида айтганда, Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг янги шакли сифатида оилавий тадбиркорликнинг янада ривожланиши ҳамда унинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини янада кенгайтиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

**Феруза ИБРАТОВА,**
**Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди.**

Хориж

## ЭЛЕКТРОН «СУХАНДОН» китоб ўқиб беради

***Кўриш қобилияти пасайган кишилар газета ёки китоб ўқишда қийинчиликларга дуч келиши аниқ. Аммо энди уларнинг мушкули ҳам осонлашадиган бўлди.***



Гап шундаки, германиялик олимлар айнан уларга мўлжалланган овозли электрон китоб яратдилар.

ИТАР-ТАСС хабар беришича, ушбу электрон қурилмада китоб ёки газета ўқиш мумкин.

Матнни электрон қурилма хотирасига жойлаш учун газета ёки китоб мосламадан 20-25 сантиметр узоқроққа қўйилади. Мослама эса уни ифодали ўқиб беради. Унинг китоб ўқишини тезлатиш ва секинлатиш мумкин.

## СЕМИЗЛИК ҲАМ касаллик турига киради

***Бугунги кунда ортиқча вазнга эга бўлиш, яъни семизлик касаллик турларидан бири эканлигини кўпчилик яхши билади. Унинг ортидан кўпгина хасталиклар юзага келиши исботланган.***



Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, дейилади ИТАР-ТАСС хабарида, айни дамда АҚШ семиз кишиларга бой мамлакат сифатида қайд этилади. Яъни аҳолининг 32,2 фоизи семизликка чалинган. Иккинчи ўринда эса Шотландия бўлиб, 25,5 фоиз аҳоли айнан ўта ортиқча вазнга эга. Дарвоқе, бу борада Шотландия Европада биринчиликни ишғол этган.

Мексика ишлаб чиқариш соҳалари бўйича дунёда юқори ўринда турмаса-да, аммо ўта ортиқча вазнга эга кишилар сони кўплиги билан учинчиликни қўлга киритган.

## ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ турли йўллар билан олинади

***Ақл-заковат маҳсули бўлмиш илмий кашфиётлар электр энергиясини турли йўллар билан олиш мумкинлигини исботлади.***

Гап шундаки, Испаниянинг «Ибердрола» энергетика компанияси Шотландиянинг «Скоттишпауэр» компанияси билан ҳамкорликда янги усулда энергия олишга киришди. Улар бу гал денгизнинг кучли оқимларидан фойдаланишга қарор қилишди.



Ҳозир испаниялик олимлар Шотландиядаги оролларнинг бирида денгиз қаърига махсус сув агрегатини туширишга тайёргарлик кўрмоқда. Уларнинг айтишларича, сув остидаги кучли оқимдан катта қувватдаги электр энергияси ҳосил бўлиши мумкин.

Интернет сайтларидаги хабарларда баён этилишича, қурилмани жорий йилнинг охиригача ишга тушириш мўлжалланмоқда. 2015 йилга бориб эса бу қурилма тўла қувват билан фаолият кўрсата бошлайди.

Тўғри, денгиздан қувват олиш ҳам осон иш эмас. Унда содир бўладиган турли довуллару пўртаналарни ва бошқа табиий ҳодисаларни ҳисобга олмай илож йўқ. Шу боис ҳам олимлар юз бериши мумкин бўлган ҳар қандай вазиятларни эътибордан қочирмасликка ҳаракат қилишмоқчи.

Реклама

## ЭЪЛОН

## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ФОНДНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474-сон Қарорлар ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини инвестиция лойиҳаларида иштирокини рағбатлантириш йўли орқали улар учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари Ассоциацияси ҳузурида инвестицион лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

Лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш танлов асосида амалга оширилади.

Танлов қуйидаги йўналишларда амалга оширилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва янгилаш.

Танловда қатнашиш учун инвестиция жиҳатидан жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ғоялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

***Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:***
***Ариза (намуна бўйича);***
***Инвестиция таклифи (намуна бўйича);***
***Инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).***

**Батафсил маълумот учун:**
**Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;**
**Web-site: www.ffpd.uz;**
**E-mail: pdf.fund@gmail.com.**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асатулла Хўжаев кўчаси, 1-уй. Ўзбекистон банклари Ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

***1-илова***

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов бўйича танлашда қатнашиш учун

### БУЮРТМАНОМА

1.________________________________________
(ташаббускор ташкилотнинг тўлиқ номи ва манзили)
________________________________________
2.________________________________________
(тақдим этилаётган ғоявий лойиҳани тўлиқ номи)
________________________________________
________________________________________
3.________________________________________
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртмономага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:
— Инвестиция таклифи;
— Инвестиция таклифининг паспорти.
Тақдим этилган маълумотларнинг ишончлилигига кафолат бераман.
Ташкилот раҳбари

____________________/____________________
(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

***2-илова***

### Инвестиция таклифининг намунавий шакли

1. Лойиҳанинг номи;
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:
номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури;
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (кўрсатилган хизматларнинг), экспортнинг ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари.
3. Базасида лойиҳанинг амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона(мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:
корхонанинг номи ва реквизитлари;
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;
охирги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфратузилмаси тўғрисидаги маълумотлар;
кадрлар потенциали.
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:
4.1. Маркетинг:
ишлаб чиқариш учун тавсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми;
дастлабки маркетинг тадқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси;
мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда);
маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари бўйича рақобатбардошлилигининг баҳоси.
4.2. Ишлаб чиқариш:
лойиҳанинг хомашё ва бошқа материал ресурслари билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати бўйича баҳоси;
зарур бўладиган ходимлар сони.
4.3. Қуриш, реконструкция қилиш, модернизациялаш:
инвестицияларни йўналтириш — янги қурилиш, реконструкция қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.
4.4. Молиялаштириш:
лойиҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;
лойиҳани амалга ошириш учун ўз маблағларини мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:
кутилаётган йиллик тушум ва соф фойда;
экспорт ҳажми.

***3-илова***

### Инвестиция таклифининг паспорти

________________________________________
(лойиҳанинг номи ва жойлашган жойи)

| Т/р | Кўрсаткичлар номи | Ўлчов бирлиги | Лойиҳа параметрлари | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан: | минг долл. | | |
| 1.1. | миллий валютада | млн. сўм | | |
| 1.2. | хорижий валютада | минг долл. | | |
| 2. | Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси: | минг долл. | | |
| 2.1. | шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун | минг долл. | | |
| 2.2. | Қурилиш-монтаж ишлари учун | минг долл. | | |
| 3. | Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси | млн. сўм | | |
| 3.1. | шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун | млн. сўм | | |
| 3.2. | қурилиш-монтаж ишларига | млн. сўм | | |
| 4. | Ишда банд бўладиганларнинг тахминий сони | киши | | |
| 4.1. | шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринларида | киши | | |
| 5. | Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси | йил | | |
| 6. | Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |
| 6.1. | шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлигига мувофиқ | ўлчов бирлигига мувофиқ | | |

Бугуннинг гапи

# ТОШКЕНТ БОҒЛАРИДА

*болалар ўйнаб-кулиши, яйраши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилаган. Буни Ғафур Ғулом номли Маданият ва истироҳат боғи мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.*



Шавкат АКРАМОВ олган сурат.

**— Боғ жуда ҳам чиройли, болалар учун зарур шароитлар яратилган, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчиси Гули Узоқова. — Айниқса, экилган гуллар одамнинг баҳри-дилини очади. Ҳар хил аттракционлар эса болажонларнинг жону дили. Бу ерга асосан, ёз ойларида, кечки салқин пайтлари келиб турамиз. Фарзандим ҳали кичкина, эндигина 3 ёшга кирди. Унинг ёшига мос аттракционларга чиқаришга ҳаракат қиламан. Масалан, фарзандим ўғил бола бўлгани учун кўпроқ машина ҳайдашни, кейин копток тўлдирилган бассейнни ёқтиради. Ёзги таътилда жиянларимни ҳам олиб келиб тураман. Болалардаги ҳис-ҳаяжон, хурсандчиликни кўриб мен ҳам қувонаман. Боғ саёҳатидан кейин боламнинг фикрлаши ўзгарганини, тушунчаси кенгайганини сезаман, тенгдошларига кўпроқ қўшила бошлайди.**

— Асосан ёз ойларида бу ерга келиб турамиз, — дейди Ойбек Йўлдошев. — Болаларим билан боққа келгандан кейин аввало, уларнинг юз-кўзига қарайман ва кайфиятлари кўтарилганини ҳис қиламан. Бундай айланишлардан кейин, улар яхши ухлашади. Инжиқлик қилмайди. Боғда кўрган дарахтлар ва гулларнинг расмини чизишга ҳаракат қилади.

— Менга бу ердаги «Қувноқ баландликлар», «Чархпалак», «Батут» ва «Автодром» каби аттракционлар ёқди. Дадам бизни ҳар хафта олиб келиб туради, — дейди 5 ёшли Тоҳиржон.

— Бу ерга фарзандларим, келинларим ва набираларим билан тез-тез келиб турамиз, — дейди Қаноатхон Жўраева. — Бу йил кичик набирам 1-синфни, катта набирам 6-синфни аъло баҳоларга битиришди. Кун исиган пайтлари уларни чўмилишга ҳам олиб бораман. Бу ҳақда болаларим дўстларига гапириб юришади. Назаримда, бу ердаги ўйинлар уларнинг соғлиғи учун ҳам фойдали. «Батут» ва сувда балон учадиган аттракционлар олдин келганимизда йўқ эди. Набираларим «Автодром»ни жуда ҳам ёқтиришади. Улар ўқишда муваффақият ёки ютуққа эришса, рағбатлантириш мақсадида ҳам боққа олиб келаман.

— Хоразм вилояти, Боғот туманидан келганмиз, — дейди Шакархон Мўминова. — Урганчда ҳам шундай боғ бор. У ерда аттракционлар бу ерга қараганда сал камроқ. Қизим ва набираларим билан мазза қилиб Тошкентни айландик. Истироҳат боғларини сайр қилдик. Уларнинг қувонганини кўриб ўзим ҳам севиниб кетдим.

— Ўрта Чирчиқданман, — дейди Чўлпоной Набиева. Болаларимни бу боққа тез-тез олиб келаман. Шароитлари олдингига нисбатан анча яхши, янги аттракционлар ўрнатилибди. Йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Болалар боғда юриб, одамлар билан киришишни, жамоат жойида ўзини тутишни ўрганади.

— 9-май куни ҳам келгандик, — дейди Одилжон Юнусов. — Самарқанддаги акам фарзандларини мактабда фахрий ёрлиқ олгани учун юборибди. Жиянларим ва болаларим билан айланиб юрибмиз. Эртага Мустақиллик майдонига бормоқчимиз. Болалар боғда олган таассуротларини ўртоқлари, дўстларига айтиб беришади.

— Мен чет эллардаги истироҳат боғларида ҳам бўлганман, — дейди Музаффар Зуфаров. Лекин ўзимиздаги боғларда муҳит бошқача, шароити ҳам яхши. Болаларнинг хурсандлигини кўриб, рўзғор муаммолари, умуман, ҳамма-ҳаммасини унутамиз.

— Кечки салқинда болаларимни олиб келаман, — дейди Маҳмуджон Солиев. — Боғ шароитлари яхши, шунинг учун ҳам айнан шу боққа келаман. Фарзандларимни айлантириб юриб, кузатаман. Бола жуда сезгир бўлади. У ўзига кўрсатилаётган эътиборни, ғамхўрликни ҳис қилади. Тушунади. Бунга жавобан яхши ўқишга, тартиб-интизомли бўлишга интилади. Биз ота-оналар эса ҳамма вақт ҳам буни англамаймиз. Ишни, ҳаёт ташвишларини баъзан эса ўзимизни ҳаловатимизни кўзлаб болаларимизни унутиб қўямиз. Аслида бу боққа келган нафақат болалар балки катталар ҳам ҳордиқ чиқаради. Асаблари тинчланади.

Келинглар болаликка, болаларга янада эътиборлироқ бўлайлик.

**Аҳрорбек ЎРИНОВ,**
**ЎзМУ журналистика факультети 2-курс талабаси.**

Футбол

# БАРЧАСИ СЎНГГИ ТУРДА ҲАЛ БЎЛАДИ

**Украина ва Польшада давом этаётган «Кўҳна қитъа» чемпионатининг 2-тур ўйинларига старт берилди. Дастлаб, мусобақанинг «А» гуруҳидан ўрин олган Греция ҳамда Чехия терма жамоалари ўртасида кечган баҳсда 1:2 ҳисоби қайд этилди. Ирачек ва Пиларжларнинг тезкор голлари эвазига ҳисобда олдинга чиқиб олган чехлар, ўйин давомида устунликка эга бўлишди. Учрашувнинг 53-дақиқасида Гекас киритган гол орадаги фарқни қисқартирди. Мазкур турдан кейин чехлар чорак финалга чиқиш имкониятини сақлаб қолди.**

«А» гуруҳининг 2-тури доирасидаги иккинчи ўйин Польша ва Россия терма жамоалари ўртасида кечди. Унда томонлар муроса кўчасини танлашди.

Учрашув жуда қизиқарли ва муросасиз кечиши олдиндан тахмин қилинган эди. Амалда эса бу ўз исботини топди ҳам. Чунки ушбу ўйиндаги ғалаба Россияни плей-оффга олиб чиқса, мезбонларни кейинги босқич умидини сақлаб қолар эди. Учрашувнинг илк дақиқаларидан бошлаб мезбонлар томонидан россияликлар дарвозаси олдида кўплаб хавфли вазиятлар содир этилган бўлса-да, ҳисобни меҳмонлар очишга мушарраф бўлишди.

Аршавиннинг узатган тўпидан самарали фойдаланган ёш ва умидли ўйинчи Алан Загоев елкаси билан зарба бериб жамоасини олдинга олиб чиқди. Иккинчи бўлимда Польша ҳужум қилишда давом этди ва ниҳоят ҳисобни тенглаштиришга эришди. Ўнг қанотдан уюштирилган ҳужум Блашчиковскининг кучли зарбаси билан чиройли тарзда якунланди. Дарвозабон эса бу зарбани қайтаришга ожиз қолди — 1:1.

Учрашувдаги ҳисоб ўйин якунига қадар ўзгармади. Шу тариқа барчасига кейинги турда ойдинлик киритиладиган бўлди.

Кеча «В» гуруҳининг 2-тур баҳслари бўлиб ўтди. Дания — Португалия — 2:3 ҳамда Голландия — Германия қарама-қаршиликлари эса бу гуруҳдаги чигал масалага ойдинлик киритди десак хато бўлмас.

Бугун «D» гуруҳининг 2-турида Италия-Хорватия, Испания-Ирландия баҳслари жамоалари куч синашади.

**Шарофиддин ТОҒАШАРОВ**

# МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИ

*болаларимиз руҳини кўтаради, улар қалбида гўзалликни англаш, унга интилиш туйғуларини уйғотади*





**«Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорга биноан 2010 йилда Нукус шаҳрида 12-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси қурилиб, зарур жиҳозлар ва мусиқа асбоб-ускуналари билан таъминланди.**

Илгари бу масканда 30 нафар ўқувчи 3 та бўлимда таҳсил олган бўлса, ҳозирги кунда 307 нафар ўқувчи 10 та мутахассислик бўйича таълим-тарбия олмоқда. Уларга 44 нафар ўқитувчи мусиқа ва санъат сирларини ўргатмоқда.

— Мен 1974-1979 йилларда шу мактабда ўқиганман, — дейди халқ чолғулари бўлими ўқитувчиси Роза Калилаева. — Соҳа бўйича ўқишни тамомлаб, ўз мактабимга қайтдим. Илгари мактабимиз мослаштирилган иморатда жойлашганди. Хоналар кичкина, дарсларни амаллаб ўтардик. Мусиқа созлари ҳам саноқли эди.

Эндиликда янги бинонинг жиҳозланган ёруғ хоналарида машғулотлар, ҳисобот концертлари, мусиқий-адабий кечалар, учрашувлар ўтказилмоқда. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоблари Улбиби Абдуллаева, Шарафатдин Фахриддинов каби тажрибали ўқитувчилар ҳар бир ўқувчи билан алоҳида шуғулланиб, улар мусиқа санъатини чуқур ўзлаштиришига кўмаклашмоқда.

Ўтган йил мактабни тугатган 6 нафар ўқувчининг 3 нафари Нукусдаги маданият ва санъат коллежида, 3 нафари Бердақ номли Қорақалпоқ давлат университети қошидаги 1-академик лицейда ўқимоқда. Бу йил мактабни 14 нафар ўқувчи тугатади. Улар ҳам шу даргоҳларнинг бирида ўқишларини давом эттиришмоқчи.

— Мен фортепьяно бўлимида таълим олдим, — дейди битирувчи Гулойим Ешимбетова. — Нукусдаги маданият ва санъат коллежига кириб ўқимоқчиман. Келажакда ўзим ўқиган мактабда ўқитувчи бўлиб ишлашни мақсад қилганман.

**Реймбой ЕШИМБЕТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Бандлик

# КОЛЛЕЖДАН КОРХОНАГА

*йўл олаётган битирувчиларнинг 100 нафарига умумий қиймати 300 миллион сўм бўлган имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди*



**Сурхондарё вилояти марказидан қарийб 150 километр олисда жойлашган Олтинсой туманида навбатдаги бўш иш ўринлари меҳнат ярмаркаси ташкил қилинди. Унда 87 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзларида мавжуд 375 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Тадбир давомида 98 нафар фуқарога ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.**

— Олтинсой кичик бизнес касб-ҳунар коллежини тугаллаяпман, — дейди Рамазон Камолов. — Ёшлигимдан банк соҳасида ишлашга қизиқардим. Бугун туман «Агробанк»ига йўлланма олдим.

Шунингдек, тадбирда бу йилги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 100 нафарига умумий қиймати 300 миллион сўм бўлган имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— Уч миллион сўмлик сертификатни қўлга киритганимдан хурсандман, — дейди Олтинсой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи битирувчиси Сабоҳат Жумаева. — Бу уч нафар дугонамни ишга таклиф этиш имконини беради. Келажакда моҳир дизайнер бўлмоқчиман.

— Жорий йилда туманда 3,5 мингга яқин янги иш ўринлари яратишимиз лозим, — дейди Олтинсой туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Баҳодир Тоғаев. — Бу йил 7 та билим даргоҳини 2 минг 868 нафар ёш битиради. Уларни мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш вазифамиз. Шуларни инобатга олган ҳолда чекка ҳудудларда ҳам меҳнат ярмаркаси, «Очиқ эшиклар куни», учрашув ва йиғилишлар ўтказилмоқда. Шу кунгача 3 марта меҳнат ярмаркаси ташкил этиб, 1 минг 324 нафар фуқарони ишга жойлаштирдик, улардан 784 нафари ёшлар. Йил охиригача яна 6 та шундай меҳнат ярмаркаси ўтказамиз.

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Миллий матбуот марказида

# ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИНИ СИФАТЛИ ДОРИ ВОСИТАЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

*мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.*

**Тадбирда «Дори-дармон» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари Оқилжон Ҳожиметов бугунги кунда республикамизда аҳолини сифатли дори-дармон билан таъминлаш борасида амалга оширилаётган изчилислоҳотлар халқимиз саломатлигини мустаҳкамлашда юксак самара бераётгани ҳамда чекка ҳудудларда ҳам замонавий дорихоналар барпо этилаётгани тўғрисида тўхталди.**

Шунингдек, ҳозирги кунда компанияга қарашли дорихоналарнинг 72 фоизи қишлоқ жойларда фаолият юритаётгани, айниқса қишлоқ врачлик пунктлари ҳузурида қарийб 700 га яқин дорихона очилгани аҳоли учун катта қулайлик яратаётганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Чекка ҳудудлардаги қишлоқлар аҳолисини дори воситалари билан таъминланишини янада яхшилаш мақсадида 2010 йилдан бошлаб махсус жиҳозланган «Isuzu» русумли изотермик автофургонларда 14 та кўчма дорихоналар фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, компания томонидан ҳар йили республикадаги ижтимоий муассасаларга ҳамда юқори нархдаги дори воситаларига муҳтож яъни имконияти йўқ беморларга ҳомийлик ёрдами кўрсатилиб келинади. Шунингдек, чекка ҳудудлардаги дорихоналар босқичма-босқич реконструкция қилинмоқда. Пойтахтимиз ва Гулистон шаҳрида эса халқаро андозалар даражасида фармацевтика омбори ва



логистика маркази барпо этилмоқда.

Анжуманда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва компания масъул ходимлари дори воситалари таъминотини янада такомиллаштириш, маҳаллий бозорга сифатсиз ва қалбаки препаратлар кириб келишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтаришди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ**

**ОБ-ҲАВО 14-15 – 06. 2012**

*Юртимиз бўйлаб (°C)*

| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти | +18 / +23 | +32 / +37 |
| Бухоро ва Навоий вилоятлари | +18 / +23 | +32 / +37 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари | +15 / +20 | +30/+35 |
| Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари | +18 / +23 | +32 / +37 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари | +15 / +20 | +29 / +34 |
| Тошкент шаҳри | +15 / +17 | +32 / +34 |

*Дунё бўйлаб (°C)*

| | |
|---|---|
| Лондон | +11 / +9 |
| Париж | +11 / +13 |
| Москва | +16 / +18 |
| Мадрид | +12 / +12 |
| Пекин | +16 / +17 |
| Гонгконг | +26 / +25 |
| Рим | +18 / +17 |
| Афина | +20 / +21 |
| Токио | +18 / +17 |
| Стокгольм | +10 / +12 |
| Кейптаун | +12 / +11 |
| Қоҳира | +31 / +32 |
| Гавана | +26 / +25 |
| Вашингтон | +20 / +21 |

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari), G'affor HOTAMOV (Bosh muharrir o'rinbosari), Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV

BO'LIMLAR:
Parlament faoliyati — 233-10-13; Partiya hayoti — 233-11-49;
Madaniyat va ma'naviyat — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Sport va vatanparvarlik — 233-44-55;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
Г — 646
17078 nusxada bosildi.
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 20.10
Topshirilgan vaqti — 23.50
Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5